

NAVOIY VILOYATI
HOKIMINING
QARORIРЕШЕНИЕ
ХОКИМА
НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Navoiy sh. Xalqlar Do'stligi 77A

г.Навои ул.Халклар Дустлиги 77А

“ 7 ” *Март* 2014 у.(г).№ *Қ-44***Вилоят “Пул-кредит сиёсати”
комиссиясининг янги таркибини
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 1 августдаги Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг таркибини ўзгартириш тўғрисидаги ПФ-1827-сонли Фармони ҳамда ушбу Фармон билан тасдиқланган Низомга асосан ҳамда вилоят ички бозорини халқ истеъмол моллари билан тўлдириш, савдо ва пуллик хизматлар кўрсатишни яхшилаш ҳисобига пенсия, нафақа ва бюджет ташкилотлари иш ҳақларини белгиланган муддатларда тўлаб борилишини таъминлаш бўйича комиссия аъзоларининг бошқа ишга ўтганлиги сабабли вилоят “Пул-кредит сиёсати” комиссиясининг янги таркибини тасдиқлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят “Пул-кредит сиёсати” комиссиясининг янги таркиби 1-иловага, ишчи гуруҳи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят “Пул-кредит сиёсати” комиссиясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

- вилоят ички бозорини халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш, савдо ва пуллик хизматлар кўрсатишни яхшилаш, пенсия, нафақа ва бюджет ташкилотлари иш ҳақларини белгиланган муддатларда тўлаб борилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб, ижроси юзасидан кунлик мониторинг олиб боришни таъминлаш;

- вилоят комиссиясини ишчи гуруҳи томонидан, шаҳар ва туман “Пул-кредит сиёсати” комиссиялари раисларига, корхона ва ташкилот раҳбарларига вилоят комиссияси қарори билан белгилаб берилган топшириқларнинг бажарилишини таҳлил қилиб, уларнинг натижаларини вилоят комиссияси йиғилишига муҳокама қилиш ва тегишли чоралар кўриш учун тақдим қилиб бориш;

- нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ҳамда шаҳар ва туман “Пул-кредит сиёсати” комиссиялари, тижорат банклари, солиқ идоралари ва хўжалик субъектлари раҳбарларининг масъулиятини оширишга доир чора-тадбирлар белгилаб, ижросини қаттиқ назоратга олиш;

- нақд пул тушумларини ўрнатилган тартибда тижорат банк кассаларига ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда топширмаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбарларига нисбатан қонуний чоралар белгилаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълумотларни тақдим қилиб бориш.

3. Вилоят “Пул-кредит сиёсати” комиссиясининг йиғилиши ҳар ойда камида бир мартаба ўтказиб борилиши белгилаб қўйилсин.

4. Шаҳар ва туман ҳокимлари мазкур қарордан келиб чиқиб, жойларда нақд пул муомаласини мустаҳкамлашга доир тегишли чора-тадбирлар белгилаб, ижросини таъминласинлар.

5. Вилоят ҳокимининг 2011 йил 22 сентябрдаги “Вилоят “Пул-кредит сиёсати” комиссиясининг янгиланган таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қ-190-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосари У.Раззоқов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов



Вилоят ҳокимининг
йил “ 7 ” мартдаги
44 - сонли қарорига
1-илова

**Вилоят “Пул-кредит сиёсати” комиссияси
ТАРКИБИ**

- 1 У.Раззоқов - вилоят ҳокимининг ўринбосари, “Пул-кредит сиёсати” комиссияси раиси
- 2 А.Сайфуллаев - Марказий банкнинг Навоий вилоят Бош бошқармаси бошлиғи, “Пул-кредит сиёсати” комиссияси раисининг ўринбосари
- 3 Ш.Рахимов - вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи, “Пул-кредит сиёсати” комиссияси раиси ўринбосари
- 4 Д.Жалилов - Марказий банкнинг Навоий вилоят Бош бошқармаси пул муомаласини тартибга солиш ва мониторинг бошқармаси бошлиғи, “Пул-кредит сиёсати” комиссияси котиби

А Ё З О Л А Р

- 5 Ҳ.Тилавов - вилоят Молия бошқармаси бошлиғи
- 6 Я.Душанов - вилоят Рақобат бошқармаси бошлиғи
- 7 Б.Хошимов - “Навоий почтаси” АЖ раиси
- 8 Р.Ибрагимов - вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи (*келтирув асосида*)
- 9 Р.Одилов - вилоят Назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи
- 10 Қ.Шукуров - вилоят Ғазначилик бошқармаси бошлиғи в.б
- 11 О.Ҳасанов - вилоят Пенсия жамғармаси бошлиғи
- 12 З.Султонов - вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси бошлиғи
- 13 С.Жўраев - Марказий банкнинг Навоий вилоят Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
- 14 А.Рўзиев - вилоят Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
- 15 Ҳ.Жумаев - вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи

- 16 О.Қурбонов - вилоят ТИФ “Миллийбанк” бўлими бошқарувчиси
- 17 Ф.Қосимов - вилоят ОАТБ “Саноатқурилишбанк” филиали бошқарувчиси
- 18 Р.Альмухамедов - вилоят ОАТБ “Агробанк” филиали бошқарувчиси в.б
- 19 И.Саидов - вилоят ОАТБ “Қишлоққурилишбанк” филиали бошқарувчиси
- 20 Ғ.Севаров - вилоят ОАТБ “Савдогарбанк” филиали бошқарувчиси
- 21 Ж.Эрмухаммедов - вилоят ОАЖ “Асакабанк” филиали бошқарувчиси
- 22 А.Одилов - вилоят АИТБ “Ипакйулибанк” филиали бошқарувчиси
- 23 Б.Мардиев - вилоят ОАТБ “Туронбанк” филиали бошқарувчиси
- 24 С.Махмудов - вилоят АТИБ “Ипотекабанк” филиали бошқарувчиси
- 25 А.Ҳакимов - вилоят ДАТ “Халқбанк” филиали бошқарувчиси
- 26 А.Орипов - вилоят ОАТ “Алоқабанк” филиали бошқарувчиси
- 27 У.Амонов - вилоят ОАТБ “Ҳамкорбанк” филиали бошқарувчиси
- 28 Ҳ.Ҳамдамов - вилоят ОАТБ “Микрокредитбанк” филиали бошқарувчиси в.б
- 29 А.Усмонов - вилоят Давлат солиқ бошқармаси қисқа муддатли текширишларни ўтказиш бўлими бошлиғи

Изоҳ: Вилоят комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда уларнинг ўрнига янгидан тайинланган шахслар комиссия таркибига киритилади.

**Вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва ижтимоий
ривожлантириш масалалари
котибияти бош мутахассиси
_____ А.Умедов**



Вилоят ҳокимининг
2014 йил “ 7 ” мартдаги
9-44 - сонли қарорига
2-илова

Шаҳар ва туман “Пул-кредит сиёсати” комиссиялари раисларига, корхона ва ташкилот раҳбарларига, вилоят “Пул-кредит сиёсати” комиссияси қарори билан белгилаб берилган топшириқларнинг бажарилишини таҳлил қилиш, ўрганиш ва уларнинг натижаларини вилоят комиссиясига тақдим қилиш бўйича вилоят комиссиясининг ишчи гуруҳи

ТАРКИБИ

- 1 С.Жўраев - Марказий банкнинг Навоий вилоят Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, ишчи гуруҳи раҳбари.
- 2 А.Усмонов - вилоят Давлат солиқ бошқармаси қисқа муддатли текширишларни ўтказиш бўлими бошлиғи
- 3 Д.Жалилов - Марказий банкнинг Навоий вилоят Бош бошқармасининг бўлим бошлиғи - ишчи гуруҳи аъзоси
- 4 (лавозимига кўра) - вилоят Адлия бошқармаси шартномавий ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлим бошлиғи - ишчи гуруҳи аъзоси

Изоҳ:

1. Ишчи гуруҳи раҳбари ўз фаолиятини вилоят комиссияси раиси томонидан тасдиқлаб бериладиган ярим йиллик иш режаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг амалдаги қарорлари, бошқа қонун ва қоидалари асосида ташкил қилади ва қилинган ишлар тўғрисида вилоят комиссияси йиғилишларида ахборот бериб боради.

2. Ишчи гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда уларнинг ўрнига янгидан тайинланган шахслар комиссия таркибига киритилади.

**Вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва ижтимоий
ривожлантириш масалалари
котибияти бош мутахассиси**
_____ А.Умедов